Юридик шахслар мол-мулкига
солинадиган солиқ суммаси
тўғрисидаги маълумотнома
ва ҳисобот шаклини тақдим этиш
бўйича услубий қўлланма

## ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ЁКИ ИМОРАТЛАРНИ ҚУРУВЧИЛАР БАЛАНСИДА КЕЙИНЧАЛИК СОТИШ УЧУН КЎРСАТИЛГАН ТУРАР ЖОЙ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ

Бунда, юридик шахс *my3.soliq.uz* сайти орқали “Электрон солиқ хизматлари”га кириб, Юридик шахслар ойнаси орқали “Шахсий кабинет”ни танлайди.

Очилган ойнада электрон рақамли имзо орқали аввал “Юридик шахс ” тугмаси, кейин “Кириш” тугмаси танланади.

Пайдо бўлган ойнадаги қаторга электрон рақамли калит пароли терилгач, юридик шахснинг шахсий кабинетига кирилади.




Шундан сўнг, “Юридик шахслар учун хизматлар” ойнасидан аввал “Солиқ мажбуриятлари” тугмаси, кейин эса “Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари” тугмалари танланади.




@soliqnews

Очилган ойнадан аввал маълумот тақдим этиладиган йил танланиб, “Кейинчалик сотиш учун курсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари” тугмаси босилади.




@soliqnews

Очилган ойнадан **“+Объект қўшиш”** тугмаси танланади.




Шундан кейин, ойнада кадастр органлари маълумотлари асосида юридик шахсга тегишли кўчмас мулк объектлари рўйхати автоматик шаклланади.

Шаклланган рўйхатдан минимал қиймат татбиқ этилмайдиган объект танланади ҳамда қатор охиридаги **“+Қўшиш”** тугмаси танланади.




Очилган ойнада кейинчалик сотиш учун курилган турар жой объектининг кўрсатгичлари (кадастр рақами, объект жойлашган манзил, объект номи (тоифаси), жами ер майдони, мулк қиймати, мулк эгаллаган майдони) кадастр органлари маълумотлари асосида автоматик шаклланади.

Юридик шахс билан боғланиш учун телефон рақамини, объектнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси, майдони ва жорий йил учун тахмин қилинаётган ўртача йиллик қолдиқ қиймат киритилади.




Шундан сўнг, объект кадастр хужжатининг сканерланган варианти ҳамда бошқа керакли ҳужжатлар бириктирилиб, **“Юбориш”** тугмаси босилади.

“Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари” ойнасига қайтиб чиқиб, жўнатилган маълумотларнинг солиқ органи маълумотлар базасига бориб тушганлиги ҳолатини текшириш мумкин бўлади.



# Алохида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлар ва ер участкалари

Асосий - Хизматлар - Алохида солиқ ставкаси

Ёрдам

Ортга қайтиш | Алохида солиқ ставкаси турлари: Кейинчалик сотиш учун кўрсатилган т... | Объект қўшиш | Лизинг объект қўшиш | 2024

## Кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари

Жами: 1 | Масъул ходимларнинг телефон рақамлари | Саҳифада ёзувлар сони: 10

| № | Кадастр рақами | Объект жойлашган манзили | Ер майдони (кв.м) | Мулк қиймати (сўм) | Мулк эгаллаган майдони (кв.м) | Яратилган вақти | Ҳолати | Бириктирилган файл |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 10:09:07:03:01:5963:0001:054 | ул. Паркент, дом 233, кв. 54 | 0 | 148 540 920 | 78.51 | 20.01.2024 | Рад этилди | |

***Эслатма:*** *Агар йил давомида объект* ***майдонида ўзгариш бўладиган*** *бўлса ҳар бир ўзгариш бўйича маълумотларни* ***алоҳида-алоҳида*** *юбориш лозим бўлади.*

**Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш департаменти**

@soliqnews